



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 9 сентябр, сешанба № 141 (1566)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2003 йил 29 август куни Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан берган **БАЁНОТИ**

Ўзбекистон шу йилнинг 29 августидан Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатини қатъий қоралайди. Бегуноҳ одамларнинг ўлими бизнинг газабимизни кўзгади, қайғуга солди, ҳалок бўлганлар ва жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз. Хоҳ миллий, хоҳ диний ёки сиёсий бўлсин, ҳеч бир гоё ёки мақсад гайрининсоний хатти-ҳаракатларни оқлай олмайди, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси терроризмдан бошқа нарса эмас. Бу фожеа осойишта, демократик ва фаровон давлат қуришга бел боғлаган Ироқ халқининг қатъиятини синдира олмайди, деб ишонч билдирамыз. Тошкент шаҳри 2003 йил 5 сентябр

## МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари 7 сентябр куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди

Конституциявий монархия ҳисобланган Малайзия федерал давлат бўлиб, 13 штатдан иборат. Уларнинг тўққизтасида ҳокимият ворислари ҳукмдор, тўрттаси губернаторлар томонидан бошқарилади. Ворис ҳукмдорлар 5 йил муддатга Янг Ди-Пертуан - олий ҳукмдорни сайлайди. 2001 йилнинг декабрида бу юксак лавозимга Перлис ҳукмдори Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл сайланган.

Конституцияга биноан, Янг Ди-Пертуан ҳукумат ва парламент тавсияларига таянган ҳолда давлатни бошқаради. Ҳукумат қарорлари Қирол томонидан тасдиқланади. Олий бош қўмондон ҳисобланадиган Янг Ди-Пертуан парламент қабул қилган қонунлар, Бош вазир номзоди ва Федерал (Олий) суд таркибини тасдиқлайди.

8 сентябр куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Қирол шарафига фахрий қоровул саф торди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шохсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Малайзия раҳбарлари фахрий қаровул сафи олдида ўтди.

Ислоҳ Каримов ва Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайлнинг яккама-якка суҳбатида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Малайзия Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1992 йилнинг июнида Президент Ислоҳ Каримов расмий ташриф билан ушбу мамлакатга борганидан кейин томонлама алоқаларни мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжатлар қабул қилинган эди. 1993 йилнинг апрелида Бош вазир Махатхир Мухаммад Ўзбекистонга келди ва ташриф чоғида муносабатларнинг ҳуқуқий асоси янада бойиди. Мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор ҳукумат делегацияларининг ўзаро ташрифларини амалга ошириш, вазирлик ва муассасалар, ишбилармон ва илмий доираларнинг мулоқотларини ривож-



Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари 7 сентябр куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди

лантиришга имкон яратди. Аини пайтда Ўзбекистон-Малайзия муносабатлари ҳар жаҳда жадал ривожланмоқда. Орадаги масофа нисбатан катта бўлишига қарамай, икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишга интилиб келмоқда. Аини пайтда Ўзбекистон-Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 18 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Аиниқса, «Hotel Uzbekistan», «Uzmascom», «Uzbekleasing international» каби корхоналар номи юртдошларимизга яхши таниш.

Маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта сурбат билан ривож топмоқда. 1998 йили «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамияти тузилган. Икки мамлакат академиялари, олий

ўқув юртлири ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган. Малайзиялик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Аини пайтда мамлакатларимизда савдо-иқтисодий ва сиёсий йўналишларда, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар кўп.

Малайзия «Осиё йўлбарслари» номини олган давлатлар қаторига кириди. У Япониянинг катта суръатли иқтисодий ўсиш моделига таяниш, хорижий технология ва сармоя жалб этиш, саноати ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасини ўзлаштириш, импорт ўрнини қоплаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик туфайли иқтисодиётни за-

монавийлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритган. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Малайзия макроеқтисодий кўрсаткичлар бўйича ривожланаётган давлатлар орасида илгорлар сафидан жой олиб, айрим ривожланган давлатларга тенглашиб олди. 1997 йили Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган иқтисодий инқироз Малайзия ўсишига ҳам салбий таъсир қўсатган бўлса-да, мамлакат учинчи асосларини қисқа вақт ичиде барқарор эта олди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 4,2 фоиз ўсгани кайд этилди.

Малайзияда қайта ишлаш саноати яхши ривожланган. Асосий қисми электроника ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат бу соҳага ялпи ички маҳсулотнинг 30,1 фоизи тўғри келади. Кимё, озиқ-овқат саноати, металлургия қайта ишлаш, транспорт жиҳозлари ишлаб чиқариш соҳалари ҳам тараққий этган. Мамлакатда «Протон», «Перодуа» ва «Хайком» деб аталувчи учта миллий автомобилсозлик компанияси бор.

Сиёсий соҳада томонларнинг кўпгина халқаро муаммоларга муносабатлари ўшашлигини айтиш ўринлидир. Икки давлат халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Аини пайтда Малайзия Кўшилмаслик ҳаракатига раҳбарлик қилмоқда. Келаси ойдан эса Ислоҳ конференцияси ташкилотига раислиқни ҳам қабул қилиб олади. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги bosқичга олиб чиқиш учун имкониятлар етарли эканлигидан далolatдир. Ислоҳ Каримов Дўрмондаги мулоқот чоғида Ўзбекистон Малайзия билан ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлар экан, Қиролнинг ташрифи бунинг учун янги имкониятлар очажоғига ишонч билдирди.

Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шу куни Темурйўли тарихи давлат музейида бўлиб, Сохибирон Амр Темур ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди. Музейнинг фахрий меҳмонлар китобиغا дил сўзларини ёзиб қолдириди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ва Тошкент Ислоҳ университетиде учрашувлар ўтказди.

Малайзия Қиролининг Ўзбекистонга ташрифи давом этмоқда. **Анвар БОБОЕВ, ЎЗА муҳбири**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Мамлакатининг миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига гоёт қизгин қутловларимни йўллаймиз. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига тараққий ва раванқ, шахсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган гоёт самимий истакларимни изҳор этаман. **Константинос СТЕФАНУЛОС, Греция Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 12 йиллиги муносабати билан поляк халқи ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон халқи ва шахсан Сизга самимий қутловлар ҳамда эзгу тилақлар йўллаймиз. Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Ўзбекистонда демократик тартибни мустаҳкамлаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш манфаатлари йўлдоғи интилишларингизни қўллаб-қувватлайман.

Давлат мустақиллигининг ўрнатилиши ҳар бир халқ учун тарихий воқеадир. Утмишда мустақилликдан маҳрум бўлишни бошидан оғир кечирган халқ сифатида биз, поляклар буни, аиниқса, яхши англаймиз.

Аини шунинг учун ҳам ўзбек халқининг замонвий давлат, ҳозирги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат ишга ҳурмат билан қараймиз. Масъулиятли ва муҳим шерик бўлиши Ўзбекистон халқаро майдонда тобора катта рол ўйнамоқда.

Ишончим комилки, халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг фаолияти ортиб бораётганлиги поляк-ўзбек ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўмақлашда, бу ҳамкорлик кейинги йиллар мобайнида янада жўшқин тус олди. Сизнинг яқинда Польшага булорган ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида муҳим ҳисса қўшдики, мазкур ташриф поляк-ўзбек мулоқотларига аънавий равишда хос бўлган дўстлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яна бир қарра тасдиқлади. Сўнгги учрашувимизнинг самимий муҳитини ёдда сақлаган ҳолда, Сизнинг Президентлик фаолиятингизда чин қалбдан муваффақиятлар, шунингдек, шахсий ҳаётингизда бахт-саодат ва омонлик тилаб қоламан. Камоли эҳтиром ила,

**Александр КВАСЬНЕВСКИ, Польша Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Мухтарам Президент Жаноблари! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбек халқини самимий эҳтиром ила муборакбод этаман.

Венгер-ўзбек делегациялари алоқалари кўп томонлама ва халқларимизнинг ўзаро манфаатлариға мос равишда ривожланиб бораётганлиги менга қувонч бахш этади.

Мухтарам Президент Жаноблари, Сизга улкан муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ, ўзбек халқига эса мамлакат олдида турган вазифаларни амалга ошириш, венгер-ўзбек ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат аниқ мақсад йўлида меҳнат қилишини тилаб қоламан.

Ҳурмат билан, **Ференц МАДЛ, Венгрия Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент Жаноблари, Сизни мамлакатининг миллий байрами - Мустақиллик куни билан табриқлашга ихозат бергайсиз.

Ўзбекистон давлат суверенитети эълон қилинганлигининг 12 йиллиги арафасида Сизга келгусида омадлар тилаймиз.

Ишончим комилки, Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқалар ўзаро шерикчилик, ишонч ва манфаатли ҳамкорлик руҳида янада чуқурлашиб ва ривожланиб бораверади. **Вацлав КЛАУС, Чехия Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами нишонлини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз номидан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан қизгин табриқларимиз ва эзгу тилақларимизни йўллашдан бахтиёрликимни изҳор этаман. Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига доимий тараққий ва раванқ тилаймиз.

Шунингдек, ушбу саодатли фурсатдан фойдаланиб, Сизга халқларимиз манфаатини қўлаб мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида биргаликда ишлашга тайёргилигини маълум қилишдан манмунигимизни билдираман.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ, Тунис Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Мухтарам Президент Жаноблари, Кипр ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига Мустақиллик куни муносабати билан қизгин қутловларимиз ва самимий тилақларимизни изҳор этиш менга катта манмуният бахш этади. Ўзбекистон Кипр дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамлини бораверишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизга сийҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса тараққий ва раванқ тилашга ихозат бергайсиз. Эҳтиром ила,

**Тассос ПАПАДОПУЛОС, Кипр Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари, Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ва халқи ҳамда шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига 2003 йилнинг 1 сентябристи нишонланаётган Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий саломлар ва эзгу табриқларини йўллаймиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятларини яна бир бор изҳор этишга ихозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, меннинг Сизга бўлган чучук эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Табо МБЕКИ, Жанубий Африка Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов **Жаноби Олийларига**

Президент Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрам куни 1 сентябр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали Ўзбекистоннинг биродар халқига самимий ва холис табриқларини йўллаш шарафига муассарлигимни билдираман. Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, мамлакатингиз ва халқингизга тараққий, фаровонлик ва раванқ тилаймиз.

Сомали Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар икки халқ манфаатлари йўлида янада кенгайишни ва мустаҳкамлашни астойдил истайшимни изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, меннинг Сизга бўлган чучук эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Д-р Абдуқосим Салад ҲАСАН, Сомали Республикаси Президенти**

### УЛАР АҚШДА ЎҚИШАДИ

2003-2004 ўқув йилида қиззахлик 3 нафар ўқувчи АҚШ мактабларида таълим олади. «Умид» иқтисодий болалар лицейининг 10-синф ўқувчилари Анжелика Қосимова, Бобур Эскораев ва 22-иқтисодий болалар лицейи ўқувчиси Дилшод Содиқовлар АҚШдаги оилаларда истиқомат қилиб, бир йил мобайнида таъсил оладилар.

### СПОРТ МАЖМУИ

Дўстлик туманидаги Ҳўжам Исроилов номли агрохизмат маркази қўрғониде болалар спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Футбол майдони, бассейн, қўл тупи, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти бунёд этилди. Энг муҳими, ёпиқ спорт зали ишга туширилди.

**Бўрибю НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмасида «Асқад Мухтор замондошлари хотирасида» китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов бошқарди.

Истиқлол байрами арафасида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов Фармони билан эл-юрт истиқболи, миллат раванқи, Ватан истиқлоли учун қизматини сингган марҳум юртдошларимиздан бир ғруҳи «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди. Улар ора-

### АСҚАД МУХТОР ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Асқад Мухтор «Опа-сингиллар», «Тугилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» каби романлари, талай қисса, ҳикоя ва драмалари, фалсафий шеърлари ҳамда жаҳон адабиётининг бадиий юксак таржималари билан XX аср ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган атоқли сўз санъаткоридир. Талабчан мураббий узок йиллар «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида

фаолият кўрсатиб, қўллаб ёш шоир ва ёзувчиларга устозлик қилган, ўзининг олижаноб табиати билан замондошлари қалбига ўчмас из қолдирган ажойиб инсон эди. «Мазнавият» нашриётида чоп этилган мазкур тўпламдан Асқад Мухтор ҳақида унинг дўстлари, шогирдлари ва ҳамкасбларининг хотиралари ўрин олган. Тадбирда «Асқад Мухтор» ҳужжатли фильми ҳам намойиш этилди. Тақдиримизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди. **(ЎЗА)**

## «РИЗҚ» СУТИДАН ГОЛЛАНД ПИШЛОФИ

Серкўёш дйеримизнинг жаннатмакон табиятида инсон эҳтиёжи учун зарур витаминларга бой, экологик тоза турфа хил нозу, неъматлари етиштириш мумкин. Иқтисодий ислохотлар моҳиятини қалбдан ҳис этган тадбиркорлар ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, юкори натижаларга эришмоқдалар.

Олисдан оқариб кўринган турна қатор иншоотлар эйтиборингизни узиға тортади. Дастлаб, катта бир саноат корхонаси ёки маданий-маиший муассаса бўлса керак, деб ўйлайсиз. Аслида ундай эмас. Бу иморатлар

Касби туманидаги Шароф Рашидов номили хўжалиқнинг «Ризқ» наслилик ширкатиға қарашли. Сут-товар фермасининг атрофи ободонлаштирилганлиги, гуллар ва дароҳларга бурканганлиги, тоза ва озодалиги билан сизни жалб қилади.

Ширкат хўжалиги бошқарув кенгаши раиси Амрулло Чориевнинг маълум қилишича, чорвачилик мажмуасида 1150 бош зотдор қорамол боқилапти.

Ҳақиқатан ҳам «Қизил чўл» зотли қорамоллар сермаҳсул бўлиб, ҳар йили 300 бошдан зиёд бузоқ олинмоқда. Таъриблик иқтисодчи Насрулло Худойбердиев раҳбарлик қилаётган ферма жамоаси маҳсулот етиштиришни тобора кўпайтормоқда. Ҳар кун 2,5 тоннагача сут соғиб олинапти. Бу микдор бир йилда 900 тоннани ташкил этади. Сут сотиш ҳисобидан хўжалик 100 миллион сўм даромад кўтормоқда.

Сутнинг ёғлилик даражаси 3,5-3,6 фоизга тенг бўлганлиги учун харидорлари кўп. Ана шулардан бири Самарқанддаги «Ҳосилот» хўжалиги ишлаб чиқариш жамоасидир. Корхона кунига 1,8 тонна сутни нақд пулга харид қилапти. Хўжалик хазинасига ҳар кун 300 минг сўм атрофида маблағ тушмоқда. «Ҳосилот» фирмаси республика-

мизга машҳур голланд пишлоғи ишлаб чиқаради. Муҳими, фермада соғиб олинаётган сут ана шу технологияға мос келяпти.

Яқин кунларда ўзимиз ҳам хомашени қайта ишлашға киришамиз, - дейди ферма мудири Насрулло Худойбердиев. - Ҳозирға 20 миллион сўм маблағ сарфланиб, бир кеча-кундузда 10 тоннагача сутни қайта ишлайдиган ускуналар келтирилди.

Урнатилётган янги технология воситасида сариеб, бринза, творог, пишлоқ ва кефир тайёрлаш мумкин. Цех ишға тушса, яна 8 та иш ўрни очилади.

Ферма учун 328 гектар ер ажратилган бўлиб, 300 гектариде беда, 20 гектариде маккажўҳори, қолганиде хашаки лавлағи ўстириляпти. Уттиз нафардан ортук кишини бирлаштирган лудратчилар қишлоқ учун мўл, тўйимли ва сифатли озуқа жамғариш билан машғул.

Меҳнат аҳли учун ҳамма қўлайликлар яратилган. Молларни суғориш ва тозалаш механизациялаштирилган. Молбоқарлар Азамат Қодиров, Голиб Амиров, Юсуф Хайдаров, Улугбек Муродов қабилар қорамолларнинг семирдиш ва соғлом бўлишини таъминласалар, Маҳмуд ва Маҳманбаева, Ирода Чўлиева ва Нилуфар Бобожоновалар говмушлардан белгиланганидан анча

кўп сут соғиб олишляпти. Моддий манфаатдорлик ошганлиги соғлом ишчанлик вазиятини вужудға келтирмоқда. Маошлар вақтида бериб бориляпти. Ишчанларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 40 минг сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, чорвачилик ширкати 85 нафар аъзолари ўзларининг пай улушларига қараб дивидент ва муқофот пули олишляпти.

Иқтисодий ислохотлар билан ҳамқадам бораётган фидойи жамоа ўтган йили 25 миллион сўм соф фойда билан аяқулади. Жорий йилда бу рақам 30 миллион сўмдан ошиши мўлжалланмоқда. **ЕЛКИН**

### Ислоҳот меваларини

### Жамоа шартномалари қандай бажарилаяпти?

Бозор иқтисодий шароитида қасаба уюмлари ишини ташкил этиш, аъзоларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, қасаба уюмлари вилоят Кенгаши ўртасида уч йилга мўлжалланган ҳудудий жамоа келишуви тузилган.

Хўш, ана шу келишув жойларда қандай бажарилаяпти? Тахлиллар кўрсатиб турибдики, жамоа шартномалари асосида меҳнат унвондорлиги ва махсулот сифатини ошириш, иш берувчи билан ёлланма ходимлар ўртасида барқарор, самарали муносабатлар ўрнатилди, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, одамлар онгида ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, ташаббус ва илганишларни рағбатлантиришга эътибор анча кучайтирилган.

Қасаба уюмлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Иш берувчилар билан ходимлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солиш юзасидан 2 минг 239 та корхонада жамоа шартномалари, тармоқ қасаба уюшма кўмиталари билан хўжалик ташкилотлари ўртасида 56 та жамоа келишувлари қабул қилинган. Улар орқали 522 минг 118 нафар ишчи-хизматчи манфаатлари қамраб олинган.

Меҳнат бозорини шакллантириш ва аҳоли бандлиги масалалари жамоа шартномаларида асосий ўрин эгаллаган. Вилоятда янгитдан 31 минг 219 та иш жойлари яратилган бўлиб, унинг 21 мингта сиси қишлоқ жойларига тўғри келади. Меҳнат бўлимлари томонидан 11 минг 510 нафар киши ишга жойлаштирилди. Шундан 1701 таси квоталаштирилган иш жойларидаги бўлиб ўтган меҳнат бозорла-

рида 2 мингдан ортқ кишилар иш билан таъминланди.

Меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофазалаш, техника хавфсизлиги, қулай иш шароити яратиш эътиборда. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофа-

бирлашган қасаба уюшма кўмитасида ишчи-хизматчиларни ҳимоялашга қатта эътибор берилаяпти. Бирлашмада 2000 йилда ўртача иш ҳақи 16,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, айни пайтда бу рақам 40 минг сўмдан ошиб кетди. Жамоа аъзоларига 8,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Дам олиш ва саҳнатлар учун 4,7 миллион сўм маблағ сарфланди. Барча ташкилотларда ёрдамчи хўжаликлар мавжуд бўлиб, йўлчилар арзон

нинг оммавийлигини таъминлаш соҳасида ҳам ижобий силжишлар рўй берди. Бу борада Қарши бош канали ва насос станциялари бошқармаси тасарруфидаги Талимаржон шахрида жойлашган Алишер Навоий номли маданият марказида олиб борилаётган ишлар ибратли. Марказ директори М.Ҳазратқулов, Н.Плипейко, Д.Шодмонова Т.Файзуллаева, Х.Қаюмова каби фаоллар билан меҳнатқашлар бўш вақтларини мароқли ўтказишга қаратилган тадбирларни мунтазам уюштириб келаяпти.

Бироқ бундай маданий-оқарув ишлари қасаба уюшма ташкилотлари тасарруфидаги клуб ва маданият саройлари, кутубхоналарнинг ҳаммасида ҳам юқори савияда ўтказилаяпти, деб бўлмайди. Муборак, Нишон, Қосон туманларидаги айрим қишлоқ клубларининг фаолияти талаб даражасида эмас. Кутубхоналарда янги адабиётлар кам.

«Баркамол авлод» ва «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларида қашқадарёлик ёшлар дастур натижага эришганлиги вилоятда жисмоний тарбия ва спортга эътиборсизлик билан қаралаётганлиги, қишлоқ жойларидан мусобақалар мунтазам ўтказиб борилмаётганлигини кўрсатиб турибди.

Айрим корхоналарда меҳнат муҳофазасига кам маблағ ажратилган. Техника хавфсизлиги бўйича муҳандис ходимлар асосида равишда қисқартириб юборилаяпти.

Мулк шакли ўзгариши билан корхона, ташкилот, хўжаликлардаги клублар, кутубхона ва дала шийпонлари қаровсиз ҳолда қоляпти.

Иш ҳақ фондидан давлат ижтимоий сугурта маблағларининг белгиланган мўддатларида қасаба уюшмалари ҳисобига кўчирилмаганлиги тўғрисида ҳодимлар, уларнинг оила аъзолари соғломлаштириш масканларида даволанишлари учун йўланма-ларга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмапти.

И.ИСОМИДИНОВ

## ЎРТАЧА ОЙЛИК 40 МИНГ СЎМДАН ЮҚОРИ

за қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқ жамоатчилик назоратининг таъсири ошди. Иш жойларида техника ва экологик хавфсиз, соғлом шарт-шароит яратиш, ишчиларнинг махсус кийим-кечаклар, пойфазал ва бошқа ҳимоя воситалари, сут ва сут махсулотлари билан таъминланиши устидан доимий назорат ўрнатилган.

Қасаба уюшма ташкилотларининг техник назоратчилари томонидан режага асосан 165 та текшириш ўтказилиб, 1216 та камчилик аниқланди. Ҳаёт учун хавфли, деб топилган 18 та дастурхона ва ускуна, 6 та цех тўхатилди. Ишлаб чиқаришда содир бўлган ва оғир оқибатлар билан тугаган ҳодисалар текширилиб, прокуратура органларига юборилди.

Вилоятда Ўзбекистон қасаба уюшмалари учинчи қурултови қарорлари ва ҳаракат дастури ҳамда Устав талабларидан келиб чиқиб қасаба уюшма тизимини такомиллаштириш, сафларни мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган.

Бошланғич ташкилотларнинг жанговорлик қобилияти ўсмоқда. Масалан, «Қашқадарёавтойул»

қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан таъминланапти.

Шунингдек, «Шахрисабзконсерва», «Қосонёғэкстракция» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Китоб агрофирмаси, Қарши туманидаги «Қовчин», Миришкор туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиқларида жамоа шартномаларида кўрсатилган имтиёз ва кафолатлар тўлиқ адо этилмаяпти.

«Обод маҳалла йили» дастури бўйича қўллаб меҳнат фахрийлари, ногиронлар, уруш қатнашчилари санаторий ва профилакторийларда текин дам олдирилди. Минг нафардан зиёд ишчилар сиҳатгоҳларда соғлиқларини тикладилар. 20 минг нафардан ортқ бола оромгоҳларда хордик чиқарди.

Қасаба уюшма фаоллари жойларда бўлиб, аҳоли турмуш тарзини кенг ўргандилар ва уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга амалий ёрдам кўрсатди. Товон ва нафақа пулларини ўз вақтида ололмаётган 22 нафар кишининг ёзма ва оғзаки мурожаатлари ўрганилиб, уларга бир миллион сўмдан ортқ маблағ ундириб берилди.

Маънавият ва маърифатни, аҳолининг маданиятини юксалтириш, жисмоний тарбия ва спорт-

### Хавфсиз иш ўрни-корхона ютуғи, ходим саломатлиги гаровидир. Сирдарё электр тармоқлари акциядорлик жамияти маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитаси бу борада ижобий ишларни амалга ошираётир.

Корхонада иш вақтида жароҳатланишнинг олдини олиш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш кун тартибидан долзарб вазифага айланган. Тўғриси, нурчилар ҳар сония инсон ҳаёти учун ўта ҳафли юмушларни бажаришади. Энг кичик хатонинг жазоси ҳам кечирилмас ҳолатларга олиб келиши тайин. Бунинг учун ҳар бир ходимда етарлича тажриба, билим, маҳорат бўлиши керак. Корхона маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитаси хавфсиз иш ўрни яратиш, ходимлар малакасини ошириш ва мунтазам ўқувларни ташкил этганлар. Деярли ҳар кун махсус матта отланган ходим жазоси синовлардан ўтиб, хушёрлиги оширилади. Саломатлиги, кайфияти

## ХАВФСИЗЛИК ЧОРАСИ У ИШДА ҚАТТИҚ АСҚОТАДИ

ни сира аяб ўтирмайдилар, — дейди тармоқ қасаба уюшма кўмитаси раиси Шербўта Курбонов. Тез-тез хавфсизлик қоидаларини ўқитиш билан биргаликда кўриқлар ўтказиб келинапти. Бу — ишдаги лоқайдликни олдини оляпти. Намунали тадбирлардан бири — «хавфсизлик техникаси» кўрик ойлиги бўлди. Шикастланишнинг олдини олиш, билим ва маҳорат-

ни синаб кўриш ойлигида 14 банддан иборат махсус дастур ишлаб чиқилиб, нурчилар синовдан ўтказилди. Бўйин ходимлари билан кенг миқёсда ўқув машғулотлари ўтказилди. Хавфсизлик қоидалари, касбнинг нозик жиҳатларини ўзда акс эттирган кинофильмлар намойиш этилди, бахтсиз ҳодисалар-

нинг олдини олиш юзасидан тушунтиришлар берилди. Иш жараёнида хавфсизлигини таъминлаш, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўрганилди. Кўрик мобайнида Оқ олтин туман электр тармоқлари базасида соҳа ходимлари касб маҳоратини ошириш, хушёрлигини таъминлашнинг яна бир қарра чигириқдан ўтказишни таъминлаш

### Меҳнат муҳофазаси

мақсадида нурчилар мусобақаси ташкил этилди. Ҳар сония содир бўлиши мумкин бўлган фалокатларни қандай четлаб ўтиш лозим. Бу борада 12 та туманда юздан ошқик ходим тажрибаси синовдан ўтказилди. Ҳар бир

топириқни аъло ва сифатли урдадан Гулистон шахар электр тармоқлари корхонаси энг намунали бориш, деб топилди, маъмурият ва қасаба уюшманинг фахрий ёрлиғи ҳамда 150 минг сўмлик мукофоти билан тақдирланди. Оқ олтин ва Сирдарё туман нурчилари кейинги ўринларни банд этиб, рағбатлантирилди. Маъмурият иш вақтида шикастланиш-

ни олдини олиш мақсадида яна ўн бир миллион сўмлик ҳимоя воситалари харид қилишни кўзда тутаяпти. — Касбимиз қалтис. Хушёрликни бир зум унутиб бўлмайди, — дея суҳбатни давом эттиради Мирзаобод туман электр тармоқлари корхонаси муҳандиси Неймат Абдуразақов. — Шу боис нурчиларни ҳар доим изланишга, эҳтиёт чораларини кўришга ундаб келамиз. Иш бошлашдан аввал маълум фурсат хавфсизлик чоралари тўғрисида мулоқот олиб бориш аънамага айланган.

Хуллас кейинги йилларда жамият аъзолари касб орқали жароҳатланиш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш борасида муайян ютуқларга эришмоқда. Ш.НУРУЛЛАЕВ

### Қонун барчага баробар

Фуқаро Мефи Керими эса амалдаги қонун-қоидаларни била туриб, маҳаллий ҳокимият томонидан махсус рўхсатнома ва туман

нома асосида туман давлат содлик инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтишни «унутиб» қўйди. Ишлаб чиқарилган махсу-

## ҲУЖЖАТСИЗ МОЛЛАР СОТИЛИШИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

давлат солиқ инспекциясидан тегишли гувоҳнома олимасдан, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган. Боз устига, унга тегишли бўлган хоржий мамлакатларда ишлаб чиқарилган кийим-кечак махсулотлари кўздан кечирилганда, унинг сифатини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги маълум бўлди. Натижада ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо белгиланди.

Баъзи тадбиркорларимиз шахсий манфаатлари йўлида ўз даромадларини яшириб, амалдаги қонун ҳужжатларини онгли равишда бўзиб келмоқдалар. Биргина мисол. Фуқаро Ҳаётжон Ҳамдамов пойфазал ишлаб чиқариш цехини ташкил этди. Туман ҳокимлиги томонидан тегишли гувоҳномага ҳам эга бўлди. Бироқ чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳ-

лотларни бемалол сотувга чиқариб пуллай бошлади. Тезкор ходимлар саъй-ҳаракати билан ушбу ҳолат аниқланиб, қондабузар фаолиятига чек қўйилди.

Бундай салбий ҳолатлар айрим қимсаларнинг қонун талабларини яхши билмаслиги ёки билас ҳам нафс йўлида мўмай даромад топиш илнжида жиноят кўчасига кириб қолиши оқибатида содир бўлмоқда. Шундай экан, кишиларнинг ҳуқуқий билим савиясини ошириш, уларни қонунчилик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, солиқни ўз вақтида тўлаш, даромадларини яширмаслик, барчанинг бурчидир.

Баҳоидир ЮСУПОВ, Пайариқ туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи



Охунбобоев туманидаги «Водий маржона» хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам муносиб ўрин эгалламоқда. Корхонанинг бир-биридан қиройили, ранг-баранг товланган атлас шойи, адреслари хотин-қизларимизга манзур бўлмоқда.

Маҳаллий хомашё-ипакдан тайёрланаётган ва ўзига хос ном билан аталаётган «Сайқал», «Шахмат», «Хосиятхон», «Нодирабегим», «Келинчак» сингари атлас адресларга талаб ортиб бормоқда. Суратда: илгор ишчи Ш.Мирзахмедова. М.КОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

## МУКОФОТ МУБОРАК

Яқинда агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилоят кўмитаси томонидан ўқув-семинар машғулотли ўтказилди. Унда вилоятдан 200 дан зиёд йирик хўжалик ҳамда корхоналар, шунингдек, қўшма корхоналар қасаба уюшма кўмиталарининг раислари иштирок этишди.

Тўрт кун давом этган семинарда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда вилоят Кенгашларининг мутахассислари сўзга чиқиб, жамоат ташкилотининг ус-тувор йўналишлари ҳақида маъруза қилдилар. Тадбир давомида савол-жавоблар ҳамда ўзаро тажриба алмашишга ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Шунингдек, семинарда қасаба уюшмалари ҳаётини акс эттирувчи фотосуратлар, рисолалар, альбомларнинг ярмаркаси ҳам ўтказилди. Уқунинг охири куни «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

Маҳалла аҳли кўп миллатли бўлиб, унда 2552 нафар аҳоли яшайди, — деди Нодира Халилова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Маҳалла ҳудудида 20-мактаб ҳамда 15 — болалар боғчаси жойлашган. Фарзандлар келажимиз. Уларнинг камол топиши ва истиқболи учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Усмирлар ва катталар футбол жамоаси яқинда шахримиздаги спорт мактаблари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 4-ўринни эгаллашди. Шунингдек, фарзандларимиз шахримизда ўтказилган «Янгрқ овозлар» кўрик-танловларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

## АҲИЛ ВА ШОДОН ЯШАЙМИЗ

Маҳалламиз аҳли кўп миллатли бўлиб, унда 2552 нафар аҳоли яшайди, — деди Нодира Халилова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Маҳалла ҳудудида 20-мактаб ҳамда 15 — болалар боғчаси жойлашган. Фарзандлар келажимиз. Уларнинг камол топиши ва истиқболи учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Усмирлар ва катталар футбол жамоаси яқинда шахримиздаги спорт мактаблари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 4-ўринни эгаллашди. Шунингдек, фарзандларимиз шахримизда ўтказилган «Янгрқ овозлар» кўрик-танловларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

## ГУЛИСТОНДА ҚЎШМА КОРХОНА

Гулистонда АКШ, Туркия ва Ўзбекистон муассислигида «Лола-модель» J.V. қўшма корхонаси иш бошлади. Собик «Лола» акциядорлик жамияти негизда ташкил этилган ушбу корхона йилга 7 миллион донга тикув ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқаради.

Айни чоғда янги қўшма корхонада 200 киши меҳнат қилаётир. Шу йилнинг охирига бориб, унинг иккинчи навбати куриб битказилади. Ушандан кейин бу ерда ишловчилар сони 600 нафарга етади.

Корхонамизда хоржий ускуналар ўрнатилди, — деди қўшма корхона раҳбари Илҳом Сотиболдиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Шунингдек, бу ерда ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, дам олиш хонаси, ошхона, ишчиларга хизмат кўрсатмоқда.

## КОЛЛЕЖГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА

Шароф Рашидов туманида 450 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Кенг ва ёруғ аудиториялар замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. 100 ўринли ётоқхона талабаларга хизмат кўрсатмоқда. Коллеж нисбатан қисқа фурсатда — саккиз ойда куриб битказилди. «Хумо» акциядорлик жамияти бу ерда 495 миллион сўмлик курилиш ишларини бажарди.

Шунингдек, 450 ўринли Гулистон педагогика коллежи ҳам очилди. Бинони тубдан қайта таъмирлаш учун 500 миллион сўм харажат қилинди.

## МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

Китоб туманидаги Хамид Олимжон номли маҳалла фуқаролар йиғинида ҳамма қўлайликларга эга бўлган гузар хашар йўли билан ишга туширилди.

Маҳалла гузаридида кутубхона, тикувчилик цехи, гўзаллик салони, зардўзлик тўғараги, радио-телевизор созлаш ва таъмирлаш устахонаси, тўй тантаналари ўтказиладиган зал ва яна бир қанча маиший хизмат нуқталари иш бошлади.

Маҳаллада яна бир янгилик. Эндиликда маҳалла ёшлари ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишмоқда. Бундан ташқари, хусусий тадбиркорлар томонидан катта дўкон, дорихона курилиб, маҳалла аҳлига хизмат кўрсатмоқда. Маҳалладаги мўъжаз спорт мажмуаси ҳам ёшлар хизматига. Бу ерда болалар, спортнинг барча турлари — футбол, волейбол, теннис, миллий кураш билан шуғулланишмоқда.

## ҚИШЛОҚ АҲЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Камаш туманидаги «Баланчайла» қишлоғида врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Бир кунда элик кишини қабул қиладиган ушбу тиббиёт масканини бунёд этишга «Чимқўрғон» ширкат хўжалиги ҳомийлик қилди. Кўп ишлар хашар йўли билан бажарилди. Тиббиёт масканини куриш, уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 48 миллион сўм маблағ сарф қилинди.

Қишлоқ врачлик пунктида ички касалликлар, гинеколог, болалар ва умумий амалиёт хоналари ҳамда физиотерапия хоналари мавжуд. Энди қишлоқ аҳли бир неча километр йўл босиб туман марказига қатнашдан халос бўлишди. Чунки кундузги сифохондана улар ўз соғлиқларини тиклаб олишяпти.

«Туркистон-пресс»



«Янгийўлдон» шўба корхонасида бугунги кунда барча талабаларга мос келадиган 10 хилдан ортқик нон ва нон махсулотлари тайёрланмоқда. У замонавий ускуналар билан жиҳозлангани тўғрисида махсулот ишлаб чиқариш кўлайди, сифати яхшиланди. Хозирги пайтда бу ерда кунига 3 мингтадан зиёд нон ва нон махсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: ишчи Манзура Рустамова.

«КЕЛАЖАК»НИНГ МАКТАБИ

Езёвонлик тadbиркор, «Келажак» кичик корхонаси раҳбари Маҳмуджон Матқосимов Тошовуз кишлоғида 240 ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб қурди. Унда ёшларнинг чуқур билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шaroит мўҳаё этилган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси мактабни зарур ўқув анжомлари билан таъминлади.

Бу йил вилоятимизда хомийлар ва оталиқ ташкилотлар ҳамда халқ таълими бўлими хисобидан 2 минг 40 ўринли ўн та янги мактаб ва қўшимча синфхоналари фойдаланишга топширилди, дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммад-жон Хўжаев. Шунингдек, янги ўқув йилида 117-мактаб спорт залини таъмирлаш учун 80 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Айни кунда Марғилон шаҳрида 29-мактабнинг эски спорт зали ўрнида замонавий лойиҳа асосида спорт комплекси қурилиши жадал давом этмоқда.

КАБЗАХОНАЛИКЛАР КУВОНЧИ

Китоб туманидаги Кабзахона кишлоғида 220 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди. Барча қўлайликларга эга, замонавий бу билим даргоҳини тумандаги «Коратор» қурилиш-ишлаб чиқариш фирмаси бунёдкорлари қурди. Кабзахоналикларнинг фарзандлари янги ўқув йилини кенг, ёруғ ва шинам ўқув биносида бошлади.

«МУҚАДДАС ЗАМИН»НИНГ ШИРИН ЁҒИ

Конимех туманидаги «Шўркўл» ширкат ҳўжалиги ҳудудида иш бошлаган «Муқаддас замин» кичик корхонасида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарила бошланди. Корхона жамoаси вилоят меҳнат биржасидан кредит олиб, замонавий технология ўрнатди. Бу корхонага кунига беш тоннагача сифатли ёғ ишлаб чиқариш имконини берди.

Корхона жамoаси хомашёни ўзи етиштириш мақсадида 50 гектар ерга масхар, 31 гектарга кунгабоқар экиб, ундан мўл ҳосил олди. Шу билан бирга қўшни ҳўжаликлар ҳам корхонага хомашё етказиб бермоқда.

(ЎЗА)



Огоҳликка давват

И. ХАСАНОВ, олган суратлар

МАСЪУЛИЯТ - ДАВР ТАЛАБИ

Фуқаролик масалаларига оид ишларни амалга оширишда ички ишлар хизмати ходимларидан катта масъулият ва ўз бурчиغا садоқат билан ёндошиш талаб қилинади. Зеро, хўшёрлик ва соғлом маънавий муҳит бор жойда давлат мустақамлиги, юрт оsoйишталиги ҳамда кишиларнинг хотиржам ҳаёт кечирishiларига етарли хисса қўшилади.

Бу борада, айниқса, пойтахтимизнинг Сирғали тумани ИИБнинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими ходимлари томонидан диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлим 7194 нафар фуқаронинг паспорт олишини таъминлади. Шундан 2072

нафари 16 ёшга тўлган ёшлар бўлса, қолганлари эса тузилган кунини ўзгартирган, паспорти йўқолган, виза варақлари тугаган ва бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқаролар ҳисобланади. Шунингдек, паспорт йўқолганлик ҳақда тушган яна 78 та ариза ҳам ҳар томонлама ўрганиб чиқилмоқда. Бу ўз-ўзидан масъулиятли касб эгаларини ўта синчковлик ва жиддий ёндошиш билан иш юритишга мажбур қилади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳудудда истиқомат қилишлари учун рўйхатга киритиш ва яшаш жойларини ўзгартирганликлари сабабга рўйхатдан чиқариши

бўйича қатъий қонун талаблари асосида иш қўрилмоқда. Вилоятлардан келган фуқароларнинг вақтинча рўйхатда туриш ҳақдаги 1287 та аризаси туман ҳокимияти қошидаги махсус комиссия томонидан ҳар томонлама қўриб чиқилиб, 189 нафар фуқарога рад жавоби берилди.

Юртдошларимизнинг чет элга вақтинча чиқиш юзасидан 1860 та, доимий чиқиш бўйича эса 59 та аризаси ва хорижликларнинг мамлакатимиз фуқароларини вақтинчалик яшаш учун меҳмонга қақариш бўйича 81 та аризаси батафсил ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди.

Айниқса, юрт тинчлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Туман ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, вояга етмаган ўсимлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг қамровли тadbирлар ўтказиб келинмоқда. Мазкур тadbирлар жараёнида тумандаги улғуржи савдо ва деҳқон бозорлари, шахсий ҳовлилар, кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар, ётоқхоналар ҳамда корхона-ташкилотлар текширилиб, паспорт тизими қоидаларини бузган бир қанча шахслар аниқланди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» муҳбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда

ТўРТКЎЛЛИКЛАР ҒОЛИБ

Тўрткўл туман таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни бажаришда ибратли ишларни амалга оширмоқда.

2002-2003 ўқув йилида 30-умумтаълим мактаби туманлараро ўтказилган «Йил мактаби» кўрик-танловида қатнашиб 1-ўринни эгаллади, Тошкентда ўтказилган кўрик-танловда 3-ўрин соҳиб бўлди. «Йил ўқувчиси» кўрик-танловида 45-мактаб ўқувчиси Ойша Сапарбоева ғолиб, деб топилган бўлса, «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида 11-болалар богчаси тарбиячиси Муқаддас Ҳакимова «Энг зеҳли тарбиячи» номига сазовор бўлди.

Таълим муассасаларида маданий-маърифий тadbирлар анча жонланганди. Жумладан, ўқувчи-

лар саройи тўғраги қатнашчилари «Зарб-2003» кўрик-танловида юқори ўринни эгаллади. 7-мактаб ўқувчилари «Шунқорлар», 30-мактаб ўқувчилари «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида ғолиб бўлишди. Ёш расомлар, ёш нақошлар, ёш экологлар, авиомодел, автомобил-созлик, гулчилик усталари ҳам ана шундай беллашуларда маълум бўлди.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ёшларни жисмоний жиҳатдан камолга етказишда муҳим рол ўйнамоқда. Нукус шаҳрида ўтказилган III финал босқичида туман ўқувчилари фахрли 2-ўринни эгаллади.

Фарғона шаҳрида ўтказилган республика IV финал босқичида туман ёшлари энгил атлетика, белбоғли кураш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси шарафини ҳимоя қилишди. Шунингдек, мактабларда таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини дарсликлар билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу хайрли ишда хомийлар ёрдамидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг кўнгилли дам олишларини намунали ташкил этиш мақсадида ташкил этилган «Лочин» ва «Жайхун» оромгоҳларида 800га яқин болалар кўнгилли хордиқ чиқаришди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Саволингизга Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси ҳуқуқнозир Орифжон Ғайназаров жавоб беради

САВОЛ: фарздан туғилганда нафақа ишлаш-ишламаслигидан қатъий назар барча аёлларга бериладиган ушбу нафақа қанча миқдорда бўлади?

Ғ. БОЙМУРОВА, Гулистон шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 8 майда 1136 рақам билан рўйхатдан ўтган «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низом асосида фуқарога беш турдаги нафақаларни бериш тартиби белгиланган:

- а) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун;
б) ҳомилдорлик ва туғиш учун;
в) бола туғилгани учун;
г) қўшимча дам олиш кунини учун;
д) дафн этиш маросими учун бериладиган нафақалар.

Бола туғилганда бериладиган (суюнчи пули) бола туғилиши муносабати билан бир мартаба берилди ва унинг миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан берилди.

Нафақа қаердан тўланади ва уни тайинлаш учун фуқародан қандай ҳужжат талаб этилади, деган савол пайдо бўлиши табиий. Юқорида айтилган тартибга асосан ишлаётган аёлларга ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув юртлири билан олаётган аёлларга нафақа тегишлича иш жойидан ёки ўқиб жойидан тўланади. Боланинг онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган ҳолларда нафақа боланинг отасига берилди. Яъни боланинг отаси ишлаётган бўлса, унинг иш жойидан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийётган бўлса, ўқиб жойидан нафақа тўланади.

Боланинг ота-онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган бўлса, нафақа ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади ва тўланади.

Бола туғилганда тўланадиган нафақани олиш учун ота ёки она асосий иш жойидаги корхонанинг ёки ўқиб жойининг Ижтимоий сугурта бўйича комиссиясига Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан берилган бола туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши лозим. Бола туғилганлик ҳақидаги маълумотнома йўқотилган тақдирда эса, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан берилган бола туғилганлик ҳақидаги такрорий маълумотномани ҳамда отанинг иш жойидан (ўқиб жойидан) нафақа олмаганилиги ҳақидаги маълумотномани топшириши талаб этилади.

САВОЛ: оиланинг бирор аъзо-меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Икромжон Юнусов жавоб беради

САВОЛ: оиланинг бирор аъзо-

си бевақт оламдан ўтган ҳолларда давлат томонидан дафн этиш нафақаси берилиши тўғрисида эшитгандик. Ана шу ҳақда аниқ маълумот берсангиз.

Қ. АЗИМОВ, Қашаи тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган шахсларга уларнинг вафоти муносабати билан дафн маросими учун нафақа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йилнинг 8 майда 1136 сон билан рўйхатдан ўтган «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади.

Дафн этиш маросими учун нафақа ҳодим ёки уни қарамоғида бўлган куйидаги оила аъзолари вафот этганда берилди:

- а) турмуш ўртоғи;
б) 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъи



назар) болалари, ака-укалари ва опа сингиллари;

- в) ота-онаси;
г) бобоси ёки бувиси.

Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат ҳўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари ҳисобланувчи ва ҳоказо) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди.

Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа, унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказиши ўз зиммасига олган шахсларга берилди. Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ҳодимга берилди. Аёлининг ҳомиласи ноубуд бўлган (тушган) ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

Дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорда берилди. Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдоридан, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдорда, ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади. Иш ҳақига туман коэффициентини белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Муддатли ҳарбий хизматга қақирилган ҳодим ёки унинг оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа, агар унга сўнгги иш ҳақи тўланган кундан бир ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса берилди.

Олий, ўрта махсус касб-хўнар таълим муассасаларида, магистратурада, аспирантурада, клиник ординатурада, докторантурада тақсил олаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари вафот этган тақдирда, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Мактаблар, курсларнинг (кадрлар

малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва тайёрлаш бўйича) шунингдек малака ошириш институтлари ўқувчилари ва тингловчилари ёки уларнинг оила аъзолари вафот этганда, агар улар курсларга, мактабларга, институтларга корхона томонидан юборилган бўлсалар ва уларнинг ўқиб давридаги иш ҳақи тўла ёки қисман сақланиб қолган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда берилди.

Саволларингизга Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси ҳуқуқшуноси Аҳмаджон Эшонқулов жавоб беради

САВОЛ: мен 20 йилдан бўён Пайарик туман Марказий шифохонасида тиббий ҳамшира бўлиб ишлайман. II гуруҳ ногирониман. Маълумиятга уй-жой тўловлари-компенсацияси тўғрисида мурожаат қилсам, улар шарҳда яшаганлигиниз учун бу ҳуқуқдан фойдаланолмай-сиз, дейишмоқда. Шу тўғрими?

Р. РУСТАМОВА, Пайарик тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги уй-жой коммунал хизматлари тўловлари учун компенсация пули жорий этиш тўғрисидаги Фармони VII-3227 сонли иловасининг 8-бандига мувофиқ, кишлоқ жойда ишловчи тиббиёт ходимлари кўрсатиб ўтилган. Бирок бу қонун ҳужжатига шаҳар жойда ишлайдиганлар назарда тутилмаган. Сиз туманингиз ҳокимиятига мурожаат қилиб, туман марказига шаҳар мақоми берилган ёки берилмаганлигини билиб олишингиз мумкин.

САВОЛ: мен 1974 йил Наманган маданият техникумининг «Кутубхонашунослиги» бўлиминини тугатиб, 1969 йилдан 2002 йил гача пенсияга қадар мактаб кутубхонасида ишладим. Ҳозирда коммунал хизматлар учун берилётган компенсация пулини менга тўлашяпти. Ижтимоий таъминот бўлимига учрасам фақат ўқувчиларга мумкин, кутубхоначиларга мумкин эмас, дейишди. Шу тўғрими? Қолаверса, ушбу имтиёздан шу қа-дгача ўқувчилар каби фойдаланиб келганман.

Э. АБДУРАХМОНОВА, Булқоқшў тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги уй-жой коммунал хизматлари тўловлари учун компенсация пули жорий этиш тўғрисидаги Фармонига асосан барча турдаги мактаб ўқувчиларига компенсация пули олиш ҳуқуқи берилган. Бирок бунда кутубхонада ишловчилар назарда тутилмаган. Аммо 2003 йилнинг 26 апрелидаги Молия вазирлигининг 962 сонли ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 05/1330 сонли билидир ш ҳатининг 1-бандида 10 йил ва ундан ортиқ педагогик ва илмий-педагогик стажига эга бўлган барча пенсионерларга, шу жумладан педагогик маълумотига эга бўлмаган, аммо 2003 йил 1 апрелга қадар уй-жой коммунал хизматлар бўйича имтиёزلардан фойдаланиб келган пенсионерларга ҳам компенсация тўловлари жорий этилади дейилган. Демак, сиз ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз.

(ЎЗА)

АҲАМИЯТГА МОЛИК ТАДБИР

«Маънавият ва маърифат» республика маркази Олий Мажлисининг иккинчи қақирки 12-сессияси яқунларида бағишлаб турли семинар ва учрашувлар ўтказмоқда.

Шундай тadbирлардан бири Тошкентда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда мазкур маҳкама хизматчилари учун ташкил этилди.

Учрашув қатнашчилари Парламентнинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича кўмитаси раиси А.Турсуновнинг маърузасини тингладилар, унда сессияда қўрилган масалаларнинг ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг фуқаролик жамияти ва демократик давлат негизларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, тadbирда мамлакат Куролли Кучларининг янги концепцияси хусусида сўз юритилди. Бунинг ҳуқуқий асоси - Олий Мажлисининг аввалги сессияларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Умумий-ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» (янги тахрирда) ва «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунларидир.

(ЎЗА)

Пойтахт аҳлининг дастурхонини тўкин қилиш мақсадида жойларда деҳқон-миришқорлар етиштирган маҳсулотлар ярмаркаси давом этмоқда. Жумладан, Ҳамза тумани аҳолисига сифатли ва арзон ноз-неъматлар Наманган вилояти соҳибкорлари томонидан етказиб берилмоқда.

Суратларда: ярмаркадан лавҳалар. Фулом ХИДИРОВ олган суратлар



Божхоначилар Жиззах-Тошкент йўлининг Дўстлик тумани ҳудудида гаприоддий «юк-ни тўтиб қолди. Бир йўловчи 280 тошбақани олиб кетаётган экан. «Қизил китоб»га киририлган бу жониворлар ўзининг доимий маконига

ТОШБАҚАФУРУШЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Фориш туманининг «Богдон» ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги яйловларга қўйиб юборилди. Бу тошбақаларга бўлган биринчи ҳудуд рейдлар ҳам ўтказиб турилоят ўсимлик ва ҳайвонат

дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси бундай ҳолларнинг олдини олиш учун ички ишлар, боғхона ҳодимлари билан ҳамкорликда рейдлар ҳам ўтказиб турилоят. Шундай рейдлардан

бирида Жиззах-Тошкент йўлида яна бир браконьер 270 тошбақани олиб кетаётганда қўлга тушди. Шу йилнинг ўзида вилоятдан гаприконуний олиб кетилган мингдан зиёд тошбақа

(ЎЗА)

